



ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган маросимда иштирок этди.



Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини унвонлаш” деган эзу тамойил барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош госяни ташкил этади.

Бу жиҳатлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида мардлик ва жасрат намунасини кўрсатиб, жанг майдонларида жонини фидо қилган

ота-боболаримиз, мустақиллик йилларида халқимизнинг тинчлиги ва оқсоқалларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчинини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳар-



бийларимиз хотирасини абадийлаштириш, уруш йилларида катта қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрий-

ларимизга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги ишларда ҳам намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг

ёрқин рамзи сифатида бунёд қилинган муҳташам Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуг эиэраттоҳга айланди.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам фахрийлар! Бугунги шонли байрам — 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан муътабар фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзу тилақларимни билдираман.

Ушбу қутлуг кунда инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда жасрат кўрсатиб, башариётни фашизм балосидан сақлаб қолган қаҳрамон ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида мардона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юрдошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирамиз.

Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, бугунги кунда эзу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фароғатини бўлиб келаётган қадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изҳор этамин.

Айни вақтда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинчлиги ва оқсоқалларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчинини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини миннатдорлик билан эсга оламиз.

Қадрли дўстлар! Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилаётган тадбирларда бу муҳим уруш эл-юртимиз учун қандай мисл-си талафот ва мусибатлар олиб келганини яна бир бор ёдга олишимиз табиийдир. Ушбу оғир йилларда фронтга сафарбар этилган **1 миллион 950 мингдан** зиёд ўзбекистонлик жангчилардан **538 мингдан** кўпроги ҳалок бўлган, **158 мингдан** ортинги бедарак йўқолган, **870 мингдан** ошиги турли жароҳатлар олган, **60 минг** нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини аққол кўрсатиб турибди. Ана шу қиргинбарот уруш халқимиз қалбиде қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Уруш даврида **214 минг** аскар ва офицерларимиз жанговар ордон ва медаллар билан тақдирлангани, уларнинг **301 нафари** Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, **70 нафари** учала даражадаги “Слава” (“Шухрат”) орденига сазовор бўлгани биз учун, ҳеч шубҳасиз, буюк ғалабанинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Метин иродали халқимиз ўша таҳликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноят корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан мамлакатимизга **170 дан** ортик завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди. Эл-юртимиз фронт учун жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дорн-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берди.

Ўзбекистон аҳолиси 1941-1943 йилларда мудофаа фондида **475 миллион** рублдан ортик маблағни, **22 миллион** рублик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқимиз юксак одамийлик фазилатини намоён этиб, уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган **1 миллион 500 минг**га яқин инсонга бошпана берди. Ота-онасидан жудо бўлган **250 минг** нафар етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиб, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Азиз ватандошлар!

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қутлуг қадамжого айланди.

Шу кунгача бу ерга **2 миллион 200 минг** нафардан зиёд эиэратчи ташриф буюриб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Маъму жамоаси томонидан **эликка яқин** китоб-альбом ва монографиялар, ноёб ҳужжатлар тўпламлари яратилиб, ҳозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди.

“Бобомни излайман” лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган **2 миллион нафарга** яқин ватандошларимиз рўйхати шакллантирилди. Юрдошларимиздан келиб тушган **300 дан** зиёд муражаатлар бўйича урушда бедарак кетган **200 нафар** жангчининг тақдирига оид муҳим маълумотлар тўпланди.

Муҳтарам дўстлар! Бугунги байрам муносабати билан жонанон Ўзбекистонимизда хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари” ўтказилмоқда. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчинини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилмоқда.

Муҳтарам уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозиде бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига пағронаж хизмати ва зарур тиббий муолажалар кўрсатишмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини қаямасдан курашган бундай улуг инсонлар олдиде доимо ақрдормиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз.

Ҳозирги гоғт мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлар аро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Биз улардан руҳ ва куч олиб, Ватан ҳимоячилари, тинчлик посбонлари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлишдек юксак бурчимизни албатта шараф билан адо этамин.

Азиз ва муҳтарам юрдошлар! Сиз, азизларни бугунги улуг айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман. Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хондонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май кунн Москва шаҳрида кузатувчи давлат раҳбари сифатида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг юбилей мажлисида иштирок этди.

Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян раислигида ўтган учрашувда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, кузатувчи давлат раҳбари сифатида Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель, Евроосиё иқтисодий комиссияси ҳайъати раиси Бақитжан Сагинтаев ҳамда меҳмон сифатида МДҲ бош котиби Сергей Лебедев қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгай-

тириш, саноят кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, устувор йўналишларда кўшма дастурларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Владимир Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига киришгани билан табриқлади. Ингилишининг барча иштирокчиларини Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 79 йиллиги ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи таъсис этилганининг ўн йиллиги билан қутлади.

Ўзбекистон етакчиси бугунги шароитда мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш,

саноят кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш ва тўғридан-тўғри инвестициялар ўсиши учун шароит яратиш биринчи даражали аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўтган ойда Тошкентда муваффақиятли ўтган “Иннопром” анъанавий халқаро кўргазмаси шундай ҳамкорликка ижобий мисол сифатида қайд этилди.

— Бугун ушбу форум Ўзбекистоннинг Россия ва Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги бошқа давлатлар билан бизнес мулоқотини ривожлантириш учун самарали платформага айланди, — деди Президент.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам ҳамкасблар! Хурматли мажлис иштирокчилари! Аваламбор, Россия Федерацияси Президенти лавозимига киришгани муносабати билан хурматли Владимир Владимирович Путин номига йўлланган самимий қутловлар ва эзу тилақларга қўйиламан.

Сайловчилар юқори фаоллик билан иштирок этган мазкур сайловларда эришган ишончли ғалабанинг кўп миллатли Россия халқининг Сизга бўлган юксак ишончини, Сиз олиб бораётган сийсат ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўллами дастурларни қатъий қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Сизга келгусида янада улкан муваффақиятлар тилайман.

Ушбу мажлисда иштирок этаётган барча ҳамкасбларимизни муҳим сана — фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 79 йиллиги ҳамда Евроосиё иқтисодий иттифоқи ташкил этилганининг ўн йиллиги билан қутлайман.

Москвага учиндан олдин мен Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийларимиз билан учрашдим. Минг афсуски, уларнинг сони

йилдан-йилга камайиб бормоқда. Улар сизлар орқали уруш ва фронт ортида меҳнат қилган барча фахрийларга самимий табриқларини, биродар халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ сўраб, билдирган тилақларини етказишни илтимос қилишди.

Сизларга улкан маннунг билан фахрийларимизнинг илтимосини етказаман.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳозиргина ҳамкасбларимизнинг нутқларида дунёдаги бугунги мураккаб вазиятга баҳо берилди, замонавий таҳдидларни бартараф этиш учун ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Юзага келган ҳозирги шароитда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда ўзаро инвестицияларнинг ўсиши учун шароит яратиш биринчи даражадаги вазифа, деб ҳисоблайман.

Ўтган ойда Тошкентда муваффақиятли ўтган анъанавий “Иннопром” халқаро кўргазмаси бундай ҳамкорликка ёрқин мисолдир. Кўргазмада мамлакатларимизнинг икки мингдан

ортик етакчи корхоналари қатнашди, янги кооперация лойиҳалари бўйича юзлаб келишувларга эришилди.

Бугунги кунда ушбу халқаро форум Ўзбекистоннинг Россия ва Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги аъзо бошқа давлатлар билан бизнес соҳасидаги мулоқотларини ривожлантиришда самарали платформага айланди. Биз ушбу мулоқот майдонини янада кенгайтириш, иштирокчилар сонини ошириш, жумладан, Куба, Эрон, Миср, Бирлашган Араб Амириклари, Мўғулистон, Вьетнам ва Индонезия каби ҳамкор мамлакатлар компанияларини бу жараёнда жалб этиш ниятидамин.

Умуман, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомидаги уч йиллик ҳамкорлиги даврида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60 фоизга ошди. Бунга, авваламбор, саноят маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш ҳисобидан эришилди. Айни вақтда миллий валюталардаги ҳисоб-китоблар улуши ортиб бормоқда.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Мингдан зиёд қўшма корхона ва лойиҳалар ишга туширилди. Юк ташини ҳажми ўсмоқда, мунтазам авиақатновлар сони икки баробар кўпайди.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан биргаликда юқори даражадаги Ишчи гуруҳининг учта йиғилиши ўтказилди. Қўшма ҳамкорлик режасидаги тадбирлар тўлиқ амалга оширилди.

Биз, шунингдек, савдо ва юк ташини рақамлаштириш, электрон тижорат, иқлим ўзгариши соҳаларидаги тармоқларга оид лойиҳа ва дастурларга ҳам қўшилди.

Муҳтарам ҳамкасблар! Мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Биринчидан, Ўзбекистон ЕОИИни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари доирасида амалий шерикликни кенгайтириш ва тармоқларда кўп томонлама ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишда янада фаол иштирок этишдан манфаатдор.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Евроосиё иқтисодий комиссияси ўртасида ўрта муддатдаги истиқболга мўлжалланган Қўшма тадбирларнинг янги комплекс режасини тайёрлашни тақлиф этамиз.

Ишончим комилки, кузатувчи давлатларнинг лойиҳаларда тўлақонли иштирок этишини тартибга соладиган механизмнинг тезроқ қабул қилиниши ушбу ҳужжатни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, Евроосиё иқтисодий иттифоқида аъзо мамлакатлар билан ўзаро савдо-сотикдаги тўсиқ ва чекловларни биргаликда бартараф этишга тайёр эканлигини тасдиқлаймиз.

2009 йилда қабул қилинган Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидаларига Ўзбекистоннинг қўшилиш жараёни бошланди.

Божхона чегараларимиз орқали олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситалари ҳақидаги маълумотларнинг электрон алмашинувини йўлга қўйиш, санитария, фитосанитария ва ветеринария назорати борасидаги ахборот тизимларини интеграция қилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш чораларини ўзаро мослаштириш ва электрон сертификатлашни қўллаш режасини қабул қилиш ушбу йўналишдаги аниқ амалий қадамлар бўлиши мумкин.

Учинчидан, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари бозорлари билан боғловчи “Шимол — Жануб” транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича яқин мулоқотни давом эттириш муҳимдир.

Шу борада транспорт идоралари раҳбарларининг Термиз шаҳрида апрель ойда бўлиб ўтган Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал маршруттини ривожлантириш бўйича биринчи учрашуви самарали бўлганини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасида транзитга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш мақсадида жорий этилаётган ЕОИИ божхона транзитининг ягона тизими билан Рақамли ҳамкорлик бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Тўртинчидан, саноат кооперацияси соҳасидаги лойиҳалар ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини келгусида ҳам фаол қўллаб-қувватлашни мақсад қилганмиз.

Бу йўналишда, мамлакатларимиз ҳудудларида биргаликда яратилаётган саноат зоналари ва технопаркларда янги қувватларни жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, алоҳида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни тақлиф қиламан. Бундай лойиҳаларга бизнесни кенг жалб этиш масалаларини жорий йилда Самарқандда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва ЕОИИ Ишбилармонлик кенгашининг биринчи учрашувида кўриб чиқиш мумкин.

Бундан ташқари, Бирлашма доирасида саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус механизм имкониятларидан фойдаланишдан ҳам манфаатдоримиз.

Бешинчидан, қуйидаги муҳим йўналишларда ишларни тизимли йўлга қўйиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Евроосиё Агроекспрессини ривожлантириш, “яшил” ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, қўшма агросаноат кластерлари ва логистика марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш;

— Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларида умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва яқин ҳамкорлик қилиш. Бунда тегишли Ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисларидан бирини Ўзбекистонда ўтказишни тақлиф этамиз;

— Мамлакатларимизда меҳнат мигрантлари фаолияти учун рақамли платформаларга уланган ҳолда, қулай шароит ва иқтисодий кафолатларни шакллантириш;

— Сайёҳлар алмашинувини кескин оширишга қаратилган қўшма туристик дастур ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш.

Ушбу йўналишларнинг барчаси ҳамкорликнинг ўрта муддатдаги истиқболга мўлжалланган янги Режасида ўз аксини топиши мумкин деб ҳисоблайман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Сўзининг якунида Россия Федерацияси Президенти хурматли Владимир Владимирович Путинга аънавий дўстона ва илқ қабул учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комилки, ушбу учрашувимиз натижалари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва шерикликни мустаҳкамлаш йўлида яна бир амалий қадам бўлади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу майдонни кенгайтириш, бошқа ҳамкор мамлакатлар, шу жумладан, Куба, Эрон, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Мўғулистон, Вьетнам ва Индонезия каби давлатлардан ҳам компанияларни жалб қилиш нияти билдирилди.

Ўзбекистоннинг кузатувчи сифатида ЕОИИ билан ҳамкорлиги ҳақида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, энг аввало, саноат маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш ҳисобидан ошганини таъкидлади. Шу билан бирга, ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валюталарда амалга ошириш улуши ортмоқда.

Мингдан зиёд қўшма корхона ва лойиҳалар ишга туширилди. Юк ташини ҳажми ўсмоқда, мунтазам авиақатновлар сони икки баробарга кўпайди.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан биргаликда Юқори даражадаги ишчи гуруҳининг учта йиғилиши ўтказилди, Қўшма режадаги барча тадбирлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилди.

Ўзбекистон савдо ва юк ташини рақамлаштириш, электрон тижорат, иқлим кун тартибига оид лойиҳа ва дастурларга қўшилди.

Давлатимиз раҳбари Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларига алоҳида тўхтади.

Мамлакатимиз амалий ҳамкорликни кенгайтириб, ЕОИИни ривожлантириш бўйича стратегик йўналишлар доирасидаги соҳавий шерикликнинг кўп томонлама лойиҳаларини амалга оширишда янада фаол иштирок этишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Евроосиё иқтисодий комиссияси ўртасида ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган қўшма тадбирларнинг янги комплекс режасини тайёрлаш тақлиф қилинди.

— Ишонимизки, кузатувчи давлатларнинг лойиҳаларда тўлақонли иштирок этиши масалаларини тартибга соладиган механизмнинг тез фурсатда қабул

қилиниши ушбу ҳужжатнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

ЕОИИ мамлакатлари билан савдодаги тўсиқ ва чекловларни ўзаро бартараф этишга тайёрлик билдирилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон 2009 йилдаги Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидаларига қўшилиш жараёнини бошлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, божхона чегаралари орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни электрон алмашиш, санитария, фитосанитария ва ветеринария назорати ахборот тизимларини интеграция қилиш, техник тартибга солиш чораларини бирхиллаштириш режасини қабул қилиш ва электрон сертификатлаштириш бу борада аниқ амалий қадамлар бўлади.

“Шимол — Жануб” транспорт йўлагини Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари бозорларига чиқадиган қилиб ривожлантириш бўйича яқин мулоқотни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, апрель ойи охирида Термиз шаҳрида ўтган “Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” мультимодал йўналишини ривожлантириш бўйича транспорт идоралари раҳбарларининг биринчи учрашуви самарали якунлари мамнуният билан қайд этилди.

Транзит тартиботларини соддалаштириш мақсадида бугунги кунда жорий қилинаётган ЕОИИ божхона транзити ягона тизими билан рақамли ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари саноат кооперацияси лойиҳаларини ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

Бу борада алоҳида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, унда мамлакатларимиз ҳудудларида ҳамкорликда ташкил этилаётган саноат зоналари ва технопаркларда янги қувватларни жойлаштиришни назарда тутиш тақлиф қилинди.

— Бундай лойиҳаларга тадбиркорларни кенг жалб қилиш масалалари шу йили Самарқандда ўтадиган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва ЕОИИ Ишбилармонлик кенгашининг биринчи учрашувида кўриб чиқиши мумкин, — деди Президентимиз.

Шунингдек, бирлашма доирасидаги саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус механизм имкониятларидан фойдаланиш нияти билдирилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Евроосиё иқтисодий иттифоқи органлари билан кўриб чиқиш бўйича махсус механизм имкониятларини кенгайтириш зарурлигини қайд этди:

— Евроосиё Агроекспрессини ривожлантириш, “яшил” ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, қўшма агросаноат кластерлари ва логистика марказларини ташкил этиш;

— иқлим ўзгаришлари оқибатларини енгиб ўтишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва яқиндан ҳамкорлик қилиш. Тегишли Ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилишларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш тақлиф қилинди;

— мамлакатларимизда меҳнат мигрантлари фаолияти учун қулай шароитларни шакллантириш ва иқтисодий кафолатлар яратиш, шу жумладан, рақамли платформалардан фойдаланиш орқали;

— туризм алмашинувини тубдан оширишга қаратилган биргаликдаги туризм дастурлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

8 май куни Москва шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

ЎЗА

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғи ташриф буюриб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ушбу мажмуадаги ҳар бир экспозиция, тимсол ва битиклар муҳим уруш ҳақиқатларини ифода этади. “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги урушда ўз боласидан, ёридан жудо бўлган барча аёллар шарафига ўрнатилган муаззам обидадир. Бог бўйлаб таралаётган мунгли куй халқимизнинг йўқотишлари, ҳалок бўлган инсонлар тақдирини ёдга солади.

— Бу санани биз ҳам хурсандчилик, ҳам изтироб билан нишонлаймиз. Урушнинг халқимиз бошига солган оғир кулфатлари, орадан шунча йиллар ўтса-да, унутилмайди. Уша пайтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион киши бўлган бўлса, шундан 1 миллион 950 мингдан ортиғи урушда қатнашган. Уларнинг 538 мингдан зиёди қонли жанглarda ҳалок бўлгани, 158 мингдан кўпроғи бедарак кетгани биз учун ҳеч қачон ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир йўқотишдир. Сўнгги йилларда мана шундай хотира мажмуалари ва музейлар ташкил қилиб, ушбу ҳақиқатни муҳрлаб қўйдик. Бу ишларимиз халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарбиясида улкан аҳамиятга эга, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда Ғалаба боғи юртдошларимиз, ёшлар учун ўзига хос ватанпарварлик, тинчликсеварлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда “уч авлод учрашувлари”, хотира тадбирлари, тарих дарслари ўтказилмоқда. Шу кунгача мажмуага 2 миллион нафардан зиёд киши ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган жасорат ва матонат тафсилотлари билан яқиндан танишган.

Мажмуа жамоаси томонидан 50 га яқин китоб-альбом ва монографиялар яратилгани, илгари номаълум бўлган юзлаб тарихий далиллар илмий муомалага киритилгани, 2 миллион нафарга яқин уруш қатнашчилари рўйхати шакллантирилгани, аҳоли муружаатлари бўйича бедарак кетган жангчилар тақдирига оид маълумотлар тўпланганини алоҳида таъкидлаш лозим.



Мамлакатимизда хотира маросимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасини улуғлашга қаратилган катта ишлар мунтазам амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ана шундай ҳурмат ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда.

“Бугунги кунда Ғалаба боғи юртдошларимиз, ёшлар учун ўзига хос ватанпарварлик, тинчликсеварлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда “уч авлод учрашувлари”, хотира тадбирлари, тарих дарслари ўтказилмоқда. Шу кунгача мажмуага 2 миллион 200 минг нафардан зиёд киши ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган жасорат ва матонат тафсилотлари билан яқиндан танишган.

Тадбирда Ўзбекистон Куролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳам иштирок этиб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди.

Президентимиз ташаббуси билан Ғалаба боғи ҳудудида яна бир мажмуа — Мустақиллик фидойилари хиёбонини ташкил этиш режалаштирилган. Ташриф чоғида ушбу мажмуа лойиҳаси тақдимот қилинди.

— Инсон хотираси ва қадрини улуғлаш борасидаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида Ғалаба боғи таркибиде мана шу

хиёбонни барпо этсак ва унга Мустақиллик фидойилари хиёбони, деб ном берсак, ўйлайманки, эл-юртимиз қалбидаги орзу-армон ва эзгу интилишларни рўёбга чиқарган бўламиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ватанга фидойилик намунасини кўрсатган, юрт тинчлиги ва келажаги учун

“ — Бу санани биз ҳам хурсандчилик, ҳам изтироб билан нишонлаймиз. Урушнинг халқимиз бошига солган оғир кулфатлари, орадан шунча йиллар ўтса-да, унутилмайди. Уша пайтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион киши бўлган бўлса, шундан 1 миллион 950 мингдан ортиғи урушда қатнашган. Уларнинг 538 мингдан зиёди қонли жанглarda ҳалок бўлгани, 158 мингдан кўпроғи бедарак кетгани биз учун ҳеч қачон ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир йўқотишдир. Сўнгги йилларда мана шундай хотира мажмуалари ва музейлар ташкил қилиб, ушбу ҳақиқатни муҳрлаб қўйдик. Бу ишларимиз халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарбиясида улкан аҳамиятга эга, — деди Шавкат Мирзиёев.

керак бўлганда жонини қурбон қилган бу баҳолир фарзандларимизнинг қахрамонлиги халқимиз, ёш авлодимиз учун домго ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ва чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган бетакрор лойиҳага кўра, Мустақиллик фидойилари хиёбонида она юртимизга уюштирилган террорчилик хуружларига қарши курашда, шунингдек, ўз ҳарбий бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган аскар ва офицерларнинг қутлуг номлари, ўчмас хотираси абадийлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари мажмуа гоёси ва қурилиши бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Юз ёш билан юзлашиб, ҳаётнинг барча ачиқ-чучуқини кўрган инсонлар учун энг муҳими соғлиқ. Шунинг учун уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда ҳам бир гуруҳ уруш фахрийлари госпиталь ва санаторийларда даволанмоқда.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Мудоффа вазиригининг Марказий ҳарбий клиник госпиталига бориб, уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Ускан ота Хаджиманов Бобвот туманидан, Файзулла ота Нурматов Оққўрғон туманидан, Анарбой ота Жалилов Паркент туманидан, Муҳиддин ота Дусанбоев Ўрта Чирчиқ туманидан келиб даволанмоқда. Улар ҳаётдан рози экани, давлатимизнинг ва одамларнинг ҳурматида хурсандлигини айтишди. Саломатликлари туман тиббиёт бирлашмасининг доимий назоратида, бепул дори-дармон ва ҳар йили санаторийларга йўлланмалар берилди.

Нурунийлар Президентимизга не-вара-чеварларининг ўқши ва ишлари, ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди. Улар таълим, қурилиш, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига ҳисса қўшмоқда. Ёшлар замонавий билим олиб, чет элларга ўқишга кетмоқда. Болалар уларни тинчликнинг қадрига етиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварликка даъват этиб келади.

— Ҳамма ҳаракатларимиз халқимизни рози қилиш учун, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ислохотлар натижаси энг қуйиға, ҳар бир хонадонга қириб боришини истаймиз. Режаларимиз ҳам қатта. Ҳамма жипслашса, биргаликда ҳаракат қилса, ўйланган ниятларимизга тезроқ етишамиз. Сиздек нурунийларнинг дуолари бунда бизга мададкор бўлади. Сизларнинг ҳаётингиз ғирода, жасорат мактаби, гапларингиз ёшларга ибрат.

Отаҳонлар меҳр-эътибор учун давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтди. Дунёнинг тинчлиги, ёшларнинг порлоқ келажагини сўраб дуолар қилди.

Госпиталда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари муносиб паравариш қилинмоқда. Бу муассаса мукаммал таъмирланиб ва янги бинолар қурилиб, 2022 йил фойдаланишга топширилган эди. Госпиталь жами 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Бунинг учун 286 хил диагностика текширув, 600 дан орттиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган бўлимлар ташкил этилган.

ЎЗА

9 МАЙ – Хотира ва қадрлаш куни

Ўтганлар хотирасини ёд этиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга эҳтиром кўрсатиш маънавиятимизнинг ажралмас бўлагидир. Айниқса, охириги йилларда кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш борасидаги ишлар кўлами янада кенгайди.

ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ ВА ОДАМИЙЛИК БЕЛГИСИ



Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Шу билан бирга, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасини абадийлаштириш,

қилган эркинлик учун ўз жонини қурбон қилганлар хотирасини ҳамisha ёд этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Охириги йилларда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани сабаби шунда. Нега десангиз, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 151 минг кишини ташкил қилган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган деб ҳисобланар эди. Архивлар ўрганилиб, янги топилган маълумотлар таҳлил қилингандан ўзбекистондан 2 миллионга яқин киши урушга сафарбар этилгани маълум бўлди. Бу ҳар уч ўзбекистонликдан биттаси кўлига қурол олиб, жанг қилган, дегани.

Юртдошларимизнинг 538 мингдан кўпроғи халок бўлган, 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолган. Шунингдек, 870 мингдан ортиғи турли жараҳатлар олиб, 60 минг нафардан зиёди ногирон бўлиб қайтган. Урушда 214 минг аскар ва офицерларимиз жанговар ордан ва медаллар билан тақдирланган, уларнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, 70 нафари учала даражадаги “Слава” (“Шуҳрат”) орденига сазовор бўлган.

“ Халқимиз уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонга бошпана берган бўлса, ота-онасидан айрилган 250 минг нафар етим болага меҳр-оқибат қўрсатиб, ўз бағрига олди.

Ўзбекистон уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказларидан бирига айланган. Завод ва фабрикалар ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилиб, кўп миллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилган.

Ушбу заводларда кексалар, аёллар, ўсмирлар туну кун машаққатли меҳнат қилган. Ахир бу ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунаси эмасми?! Бундай мисоллар ғалаба биз учун нақадар қимматга тушган, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол намоён этди.

Бугунги кунда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлишга хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари фармони билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига йигирма миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти берилиши, шубҳасиз, юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббиёт ходимларини бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизмати йўлга қўйилгани эътиборга молик.

Умуман олганда, халқимиз ўз қаҳрамонларини асло унутмайди. Уларнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланади. Тирикларни қадрлаш, уларга меҳр ва эътибор кўрсатиш эса чин инсоний фазилатдир. Юртимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланиб келинаётгани, шубҳасиз, инсон зотига, унинг муқаддас ёди, умри давомида бажарган эзгу амалларига бўлган чексиз эҳтиром рамзи, десак асло янглишмаймиз. Зотан, уларнинг фидойилиги туфайли бутун мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, ҳаётимиз фаровон, осмонимиз мусаффо.

УМРИМИЗНИНГ РОСТГҲҲ ТАРОЗИБОНИ



Зилола ХҲЖАНИЕЗОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoirа

Хотира — инсон умрининг маҳсули, яшаб ўтган ҳаётимизнинг ростгҲҲ тарозибони. Инсон ўзига ўлчаб берилган умрни яшар экан, бу йўл яхши ва ёмон, ёруғ ё армонли хотиралар билан шууримизга муҳрланади. Бир кун келиб, умр пиллапоярларимизнинг сўнгги бекатида орта боқиб, ўша хотиралар билан юзлашамиз. Шу онда “Ҳаётда бекор яшамабман, умрим зое кетмабди” деган хулосага кела олишимиз, ортада қолган кунларимиздан мамнунлик ҳиссини туйишимизнинг ўзи энг катта саодат, бахт, аслида. Шундай экан, умримизни савобли ишлар, яхшиликлар билан нақшлаш ҳар биримизнинг ўз кўлимизда.

Болалигимда биз — набиранлар супада чоғ ичиб ўтирган бобомнинг атрофида йиғилиб, унинг уруш ҳақидаги қизиқ ҳикоялари, ҳангомаларини эшитишни ҳиж кўрардик. Ҳаммамиз ҳар томондан бобомни саволларга кўмиб ташлардик:

- Бобожон, кўлингизга нима қилган?
- Урушга ташлаб келганман, болам...
- Уруш ёмон нарсам?
- Жуда ёмон нарсас. Сизлар ҳеч қачон уруш кўрманганлар. Илоҳим, юртимизда ҳақиқат тинчлик бўлсин.

Нигоҳларидан армон муҳрланган бобомнинг ҳикояларини ҳаяжон билан тинглардик. Болалик шууримда қолган хотиралардан бири, бобом ҳикоя айтаётганда

Бугун биз учун уруш ҳикоялари эртақларга айланган. Аммо шу кеча-қундузда дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга назар солиб, барча халқлар ҳам тинчлик деб аталмиш мана шу улуг неъматдан бирдек баҳраманд эмаслиги гувоҳи бўламиз. Минг афсуски, бунинг натижасида қанчадан қанча оналар ҳаёт кечириб, оталар ўйчан, қариялар хотиржам ҳаёт кечириб, фарзандлар рисоладагидек таълим-тарбия олишдан маҳрум.

Отамнинг хотирлашича, ўша даҳшатли урушнинг сўнгги йилларида мамлакатда очарчилик ҳукмрон, отаси урушда, касал-манд волидаси кишининг қирчилмасида тўрт жўжабардай жонни бир кун оч, бир кун чала тўқлаб, амаллаб кун кўришган пайт-

тилка-пора қилади. Қайсибир биродаримиз узокроқ сафарга отланса, видолашиб хайр-лашамиз, чуқки унинг соғ-омон қайтиши биз учун даргумон. Шундай кўргиликлар юракни эзган дамларда бошимни олиб узокларга кетиб қолгим келади. Аммо ота-боболаримизнинг хоки ётган азиз ерни ташлаб кетишга кўзим қўймайди, имконим ҳам йўқ. Бугун осойишта юртингизда янги кунни қарши-ларканман, мана шундай мунаввар тонлар жафокаш халқимга ҳам насиб этишини Аллоҳдан чин дилдан сўрадим, ният қилдим...

Ҳа, урушнинг номи ўчсин, у ҳар бир халқнинг эртанги кунга бўлган ёруғ умиди-



ни қурилади, мамлакат завол топади, харабага айланади. Бугун уруш ўчоғига айланган юртларнинг оғир ҳолати, юраги уйғоқ, иймони бутун бўлган ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Ана ўша афгон ўзбекларидан бўлган дўстимиз Зайнуллоҳ билан охириги марта интернет орқали хабарлашганимда ундан жуда тушкун ва бўғиқ овоздаги хабарни олдим: “Юртдошларимнинг юрағида саросима, одамларда ҳаловат йўқ, Олдин халқ ўзини эртага нима кутаётганини билмай хавотирда. Афгон халқи савашлардан чарчади. Уруш бор жойда ўлим бор. Халқ ўлимлар-

Ҳа, бу дўнғалак остида не-не буюк аждодларимиз қисматлари қолиб кетмади, дейсиз. Жафокаш, юртсевар боболаримизни бағримиздан юлиб, Сибирь деган борса қайтмас томонларга олиб кетди бу дўнғалак. Қанчадан қанча оилалар отасиз қолди, сазойи қилинди. Миллатимиз да-ҳрларидан айрилиб, эрксевар болаларини қон қақшаганча ночор ва ноиллоқ кузатиб қолаверди.

Тошкентга меҳрим бўлакча, кейинги йилларда қанчалар чирой очди бу шаҳар. Мен учун шаҳарда шундай жой борки, ҳар гал у ерга борганимда юрагимга оғир-оғир хўрсиниқ келади, ботмон-ботмон дардини ҳис этаман, олис-олис тарих гавдаланади кўз олдимда. Бу макон Шаҳидлар хиёбони! У ерда ҳақиқат сокинлик ҳукмрон. У ерда осмон ҳам ўйчанроқ, асл ўғлонларининг сўнгги нигоҳи қадалган унга. Замин-да оғирроқ, Оҳ, бу замин, бу тупроқ не-не даргаларнинг ушалмаган, сўнгсиз армонларини бағрига босганча кўчқолаб ётибди. Бир қарашда сокин оқаётган анҳоргина дардини ичига сиғдира олмай, тўлиб-тошиб тарихдан сўзлаётгандай. Ҳар гал уни узок тинглайман.

Жўшиб-жўшиб гапирди у, ҳатто титраб кетар лаблари. Атрофда сукунат ҳукмрон, унда-бунда дарахтлар бошига қўнган юз йиллик қаргалар — тирик гувоҳлар унинг гапларини маъқуллаб кўяди. Қодирнинг армонини сўзлайди анҳор. Усмон Носир, Чўпонни кўзмайди. Тарихнинг “энг кир, қора кунлари”дан бўзлайди анҳор:

Зулмат тун... отилди асл умматлар, Не-не Қодиршайр, Чўпон, Фитратлар. Эсласам, “оҳ”лари дилни титратар, Бағримда миллатнинг титроғи яшар.

Япония Иккинчи жаҳон урушида энг кўп азият чеккан мамлакатлардан бири. Шундай бўлса-да, у қисқа вақт ичида дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилди. Кунчиқар юртининг бу даражада юксалишига япон халқининг меҳнатқашлиги, сабр-тоқати, асосийси, ватанпарварлиги сабабдир. Маскур мамлакатда тез-тез зилзила бўлиб туради, аммо бирорта ҳам талончилик кузатилмаган. Бу ҳам япон халқининг юксак маънавиятидан, ватанпарварлигидан далolat. Бир вақтлар ўқигандим, урушдан кейинги оғир даврларда япон халқи бозорларда таклиф қилинаётган ҳар қандай юқори сифатли хориж маҳсулотини эмас, ўз юртида ишлаб чиқарилган, гарчи сифати ҳақиқатдан бўлса-да, маҳсулотни харид қилар экан. Нега, деб берилган саволга улар: “Мен ўзгалар юрти эмас, ўз юртининг боийишига ҳисса қўлишим керак” деган жавобни берган. Бу ватанпарварликнинг, юртсеварликнинг ўзи эмасми? Эҳтимол, бугун биз ҳам нафақат ватанпарвар, балки юртини жонидан ортик севадиган юртпараст ҳам бўлмоғимиз керакдир?..

Бир донишманд “Сен менга эътиқоднинг ва қай тариха тоат-ибодат қилишингни, қалбингда эзгулик, жасурилик, ор-номус ва бурч қандай даражада эканини, сен қандай хиргойи этишингни, йиғлашингни ва шеър қироат қилишингни, семимли даҳоларингни, улугларингни қилганини айт, мен сенга қандай миллатнинг фарзанди эканингни айтаман”, деган экан.

Демак, ҳар бир фарзанд ўз миллати эътиқоди, қадриятлари, урф-одатларини қон-қонига сингдириб бориши, шу ватаннинг бир бўлаги, парчаси бўлиб ўсиб-улгайиши керак.

Менга баъзида шеър ёзишга сизни нима давлат этади, деб савол беришди. Юрагимдан жўшиб, мана бундай дегим келади: **“Ахир шундай буюк аждодлар, шу муқаддас тупроқ доно боболар, дostonу эртаксевар момоларим пок руҳлар хақи-хурмати, айтнинг, шундай мўътабар замин, буюк Ватанда ижод этмай, шеър ёзмай яшаш мумкинми?”**

Бир кун болакай куёшдан сўрабди: — Сен қоронгликни кўрганми? — Йўқ, ҳеч кўрмаганман, — дебди куёш. — Юр, сенга уни кўрсатаман.

Болакай уни уйининг зах ва қоронғи ертўласига олиб кирибди. — Эртўлага кирган куёш: — Қани ўша қоронғилик? — деб сўрабди ҳайрон.

Чуқки куёш кирган ҳар манзилда зулмат йўқолади. Шундай экан, ҳар бир мамлакатдаги тарраққёт, ўсши ва ўзгаришлар, авваламбор, шу эл фарзандларининг қалбида юртига бўлган қўешмонанд меҳру мухаббатидан, саховатдан, фидойилик тафтидан куч олади, қувватланади. Токи, жонажон Ватанимизнинг эртанги ёруғ келажаги ҳар биримизнинг сўзимизу амалимиздаги ёруғ ва соғлом ниятлардан тафт олсин.



орамиздаги барча фахрийларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу бежиз эмас. Чуқки эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида қурбон бўлган қаҳрамонлар ёди қалбимиздан асло ўчмайди.



бир нуқтага тикилганча узок мuddат сукут сақлаб, хаёллар оғушида оғир хўрсиниб кўярди. Хотиралар уни олис уруш майдонларига олиб кетарди. Бобом ўн етти ёшида урушга кетиб, жангда дайди ўққа дуч келиб, бир кўли ногирон бўлиб қайтган.

Бобомнинг ҳикоя қилишича, Содиқ исмли ҳамқишлоғи оилада еттига қиздан кейин ягона ўғил бўлиб, онаси уни йил-лай-йилгай урушга кузатган. Ҳар кун хат келишини кутиб, останада телбанамо йўл пойлаганча онахонининг умри поёнига етган. Бобом шу дўсти билан жанг майдонидан учрашиб қолган, жангу жадал, талатўлда тузукроқ гаплашининг ҳам иложи бўлмаган. Аммо бобом унинг ғамгин кўзларидаги ўша кунги мунгни, катта соғинчни неча йиллар давомида унутолмади, тақор-тақор сўзлаб беради. Афсуски, ҳамқишлоғи урушдан қайтмаган. Аммо унинг ўша маънос нигоҳи бобом хотираларида кўп йиллар яшайди, бу интиқ нигоҳ юрт меҳри, ватан соғинчи эди.

Бобом мустақиллигимизнинг илк йилларида вафот этди. Умрининг охиригача “Минг шукрлар бўлсинки, бугун мен ватаним кучоғида, она юртим қорига ярамоқ бахтига мушаррафман”, дея шукроналик билан яшайди.

лар. Онаси ҳар кунни ёлвориб, “Худойим, болаларимни соғ-омон кўлламагача етказ, у ёнига ердан қулоқ чиқарган ризқини еб кун кўриб кетар”, дея илтижо қиларкин...

Кези келганда қаттиқ таъсирланган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир неча йил аввал халқро тадбир сабаб қўшни Афғонистондан юртимизга келган ҳамкасбларимизни пойтахтимизнинг энг яхши меҳмонхоналаридан бирига жойлаштирдик. Эртаси кунни тонгда нонушта устидан азиз меҳмондан: — Юртимиз ёқдим, яхши дам олдингизми? — дея сўрадик.

Афгон дўстларимиздан бири фарёблик Зайнуллоҳ бир оз сукунатдан сўнг хўрсиниб гап бошлади:

— Балки ҳозир айтадиган гапларимга ишонмассиз, аммо бу ҳақиқат. Мен бу тун шунчалар мириқиб ухлабманки, гўе жаннат боғидегидек ҳис этдим ўзимни. Бунчалар ҳаловатли ва осуда уйқуни халқимиз унутиб кўйганига жуда кўп йиллар бўлди. Биз кунларимизни ҳадик билан ўтказамиз, тунларни хавотир билан қарши оламиз. Ҳар кунни йўқга кетишдан аввал оила аъзоларимиз билан рози-ризозлик сўраб, видолашиб уйқуга ётамиз. Чуқки ҳар кеча қаерадир бомба портлаши ё қуроллардан отилган ўқнинг машъум овози ёки қайсибир бечора оназорнинг айрилиқдан аламли дод-фарёди қалбимизни

дан, йўқотишлардан толган. Афғон халқининг оз бўлса-да, элига зиё тарқатишини истаган, эндигина ўсиб келаётган зиёли ёш қатлами ҳар ерда пароканда, асосий қисми эса чет юртларга кетишдан ўзга чора топмади...”

Зайнуллоҳ Фарёб университетининг ўзбек тили факультетида ўқиган. Ўзбек адабиётига, шеърини ёзишга эзгача меҳру мухаббатли бор. Навоий бобомиздан тортиб, бугунги давр ўзбек ижодкорлари асарларигача севиб ўқийдиган, ўзи ҳам шеърлар машқ қилиб турадиган зиёли инсон бўлиб, унинг орзулари жуда кўп.

Дунёда муқаддас тушунчалар бисёр, аммо булар ичида шундай бир неъмат борки, унинг соғинчи олдидан шоху гадо баробар, қадри дунёнинг жамики дуру гавҳарлари, бойликларидан-да баланд. Бу Ватан аталмиш азиз макондир. Шу улуг Ватанингни тинчлиги ва бегубор осмонини асраб-авайлаш эса ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Момонинг бир хиргойиси бўларди: *Йўл олди-и Сибирь томон, Қон йиғлашиб паровозинг дўналагачи, Кетмоғи бор, қайтмоғи йўқ, Қуриб кетсин бу замоннинг кўргилиши...*

ИНСОН ҚАДРИ УЛУФ

УРУШ ҲАР БИР ХАЛҚ, ЮРТ УЧУН БЕГОНА БЎЛСИН!

Дунёда энг қадрли неъмат — озодлик. Вақт чархпалаги айланар экан, инсон қўли билан яратилган барча нарса унутилади. Аммо юрт озодлиги учун курашганларнинг ёди мангу. Ватан озодлиги ва эрки учун жон олиб, жон берганларнинг фидойилиги сабаб бугун юртимизда тинчлик ҳукмрон. Уруш фахрийлари эса эъзоз ва эътиборда. Кун кеча Президентимиз Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник ҳоспиталида бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди, улар билан самимий суҳбат қурди.



Ускан ота ХАДЖИМАНОВ Сирдарё вилоятидан:

— Умримнинг ярмидан кўпи уруш асоратларини енгизи билан ўтди. Одам бу дунёга уруш қиламан, жангга кираман деб келмайди. Биз кўрган кунлар заҳмати бугуннинг ҳикматиға арзимайди. Тинчлик — олий неъмат. Фронтда бошимизга не кунлар тушмади. Қишлоқдан бир сафда чиқиб кетган ватандошларнинг кўпи бугун ўзга юрт тупроғида ётибди. Одамзод омон бўлса, бошидан кўп нарсани ўтаркан. Бекорга инсоннинг боши тошдан бўлсин, дейилмас экан. Бу уруш кўпга келган тўй бўлди. Ёшни ҳам, қарини ҳам бирдек ўз домига тортиб кетди. Ҳали-ҳануз қўлогим остида жангтоҳлардаги фарёдлар эшитилади.



бирдек ўз домига тортиб кетди. Ҳали-ҳануз қўлогим остида жангтоҳлардаги фарёдлар эшитилади.

Бу кунларни орзу қилгандик. Шуқудли кунларга етиш орзусида қанчалар одам ўтиб кетди. Юртимиздаги имкониятларни кўриб қувонамиз. Фарзанд ва набираларимга замоннинг, тинчликнинг қадрига етиш кераклигини айтган. Президентимиз билан учрашиб, жуда хурсанд бўлдим. Бизга шундай шароит яратиб бергани учун раҳмат. Байрам совғасига қўшимча Гулистон шаҳридан уй ҳам ҳадя қилди. Биз каби нурунийларга қаратилган бундай эътибордан дуодамиз. Яна бир гапни айтмасам бўлмас: озод юртда, яқинларинг билан соғ-омон яшаш катта бахт. Бу юртининг тупроғи учун тўқилган қонлар, эрки учун берилган жонларнинг хотираси абадий.



Файзулла ота НУРМАТОВ Тошкент вилоятидан:

кетганлардан фақат 5-6 киши тирик қайтди. Қолганларга бугунги дориламон кунларни кўриш насиб қилмади. Урушдан кейин оғир очарчиликни бошдан ўтказдик. Йигитлик давримиз ҳам нонга тўймай ўтди. Давлат ночор. Бугдой еганмиз. Бугдойни “оқпоя”, дер эдик. Оиламиз 1950-йиллардаги очарчилик сабаб Жиззахдан Тошкентга кўчди. Биз билан бирга 20 тача оила ҳам келган. Бир-галашиб ер ўзлаштирдик, бир неча йиллар давомида обод қилдик. Ҳозиргача ишлагим келади, лексин кексалик ўз сўзини айтган. Шунинг учун одам ёш вақтида ҳаракат қилиши, ишлаши керак. Давлатимиз раҳбари бизни йўқлаб келди. Кўриб, кўнглимиз тоғдай кўтарилди. У киши ажойиб суҳбатдош экан. Бир гурунлашган киши яна гапласам, дейди. Умри узоқ бўлсин. Биз, уруш фахрийларига, умуман, кексаларга кўрсатилаётган раҳматлик ва эътибордан миннатдоримиз.



Давлатимиз раҳбари биз билан дилдан суҳбатлашиб, аҳволим, оиламиз аъзоларининг соғлиги билан қизиқди. “Қандай ёрдам керак бўлса, берамиз”, деди. Бу юртимизда инсон қадрли улуглигидан дарак. Бел боғлаб, ислохотларга киришган Президентимизни доим дуо қиламан.



Мухиддин ота ДУСАНБАЕВ Тошкент вилоятидан:

— Уруш даврида Берлингача борганман. У ерда беш йил қайта тиклаш ишларида қатнашдим. 1950 йили уйга қайтганман. 23 йил хўжалиқда раис бўлдим. Одамлар яшайдан мақсад тополмай қолган даврлар эди. Келажакка ҳеч нарсани ишонтирмай қўйган. Бу уруш бирга униб-ўсган биродарларимиздан, оғаларимиздан айирди. “Бир кун уруш бўлган

жойдан қирқ кун барака кетади” деган гап бекорга айтилмаган. Урушдан сўнг турли касалликлар тарқалиб, очлик ҳукм сура бошлади. Одамлар кепак, маккажўхори, арпа унидан ёпилган нон топса, байрам эди. Оналар ва болалар орасида кўлаб касалликлар тарқалган. Кўпчилик очликдан ўлиб кетган. У йилларни эсламасликка ҳаракат қиламан. Аммо хотиралар тарқ этмайди. Жанг майдонига кирар экансиз, ёғилаётган ўқларни, ер билан битта бўлиб ётган аскарларни кўриб, баъзан бу вақшийликдан даҳшатга тушардим. Бугун юртимизда тўқчилик ҳукмрон, дастурхонлар тўқкин, ҳар ким ўзи яхши кўрган нарсани бировга ҳам раво кўради. Асл бахт шу эмасми? Инсон қадрли тикланди. Юртимиз жаҳонга бўйламоқда. Давлатимиз раҳбари биз билан дилдан суҳбатлашиб, аҳволим, оиламиз аъзоларининг соғлиги билан қизиқди. “Қандай ёрдам керак бўлса, берамиз”, деди. Бу юртимизда инсон қадрли улуглигидан дарак. Бел боғлаб, ислохотларга киришган Президентимизни доим дуо қиламан.

“Янги Ўзбекистон” мухбирлари Лутфулла СУВОНОВ, Сардор ТОЛИБОВЕВ ёзиб олди.

СЎЗИ — ҲИКМАТ, ҲАЁТИ — ИБРАТ

Шу кунларда азим Тошкентнинг тарихий масканларидан бири Ачаобод маҳалласига келиб-кетувчиларнинг қадами узилмайди. Ташриф буюрувчилар орасида давлат ва жамоат арбоблари, маҳалла фаоллари, зиёлилар, турли соҳа вакиллари бор. Улар аср билан юзлашаётган Аббос ота Аппоновни йўқлаб келади. Сиймосидан нур ёғилиб турган, ҳаётнинг кўплаб синовларини енгиб ўтиб, тарихнинг жонли тинчлигига айланган отахоннинг хотираларини тинглаш, пурмаёно ўғит ва насиҳатларини эшитиш, аиниқса, ёшлар учун жуда мароқли. Шу боис, йўқлаб келувчилар орасида кўплаб ёшларни учратиш мумкин.



1945 йилнинг апрели. Ўшанда Аббос Аппонов хизмат қилаётган қисм Берлинни ишғол этишга ҳозирлик қўраётган эди. Ҳужумга тайёриликни ўқиб оқиб қайта буйруқ берилди. Бу юрт тупроғи жуда юмшоқ, қумга ўхшаган сочилувчан экан. Шу сабабли бор-йўғи 69-70 сантиметргача чуқурни зўрға қовлашди. Бу эса тўла хавфсизликни кафолатламайди. Оқопдан салгина бош кўтарган жангчи душман нишонига айланарди. Шу тахлит 10-15 кунлаб оч-наҳор оқопларда қолиб кетган вақтлар ҳам кўп бўлган экан. Ота ҳозирги улуг ёшида ҳам фронтда кечган шундай оғир кунларини асло унутмайди. Қайси юртда, қандай фронтда, қай тахлит жанг қилганини бирма-бир сўзлайди. Отанинг фронтда кечган кунлари ҳақидаги хотираларини тинглаш ҳам осон эмас. Уни эшитган ҳар бир тингловчи уруш қанчалар даҳшатли ва ҳалокатли эканини, бу майдонда инсон ҳаётининг қилча қадрли йўқлигини юрак-юракдан ҳис этади. — Урушнинг номи ўқсин, биз кўрган у қора кунларни авлодларимиз асло кўрмасин, — дейди Аббос ота. — Бугунги ҳаётимиз бебаҳо. Қаранг, ҳамма ёқда қурилиш, ободонлаштириш ишлари авжида. Юртимиздан тўй-томоша, байрамлар аримайди. Бозорлар тўқкин, неъматлар бисёр. Бу кунлар қадрини билиш, ҳар бир неъматга шукр қилиш керак. Ёшларга бу ҳақда кўп гапираман. Аббос ота Аппонов фронтдан қайтган, яна ўз касби — ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Кейинчалик институтда тахсил олиб, хорикий тиллардан мактабда ёшларга узоқ йиллар сабоқ берди. Турмушу ўртоғи раҳматли Ҳамида ая билан 7 фарзандни вояга етказди. Ҳозир отанинг саксондан зиёд невара, чевара, эвараси бор. Яқинларининг айтишича, Аббос ота шу ёшда ҳам тинч ўтирмас, оила юмушлари, фарзандлар тарбияси ва бошқа ҳаётий масалаларда яқинларига маслаҳат ва тавсиялар беришни қанда қилмас экан. Маҳалла фаоллари ҳам турли масалаларда отахоннинг маслаҳатини олиш мақсадида тез-тез хонадонига келиб туради. Ҳовлидаги мўъажизгина томорқага экин экиш ва парваришлагга ҳам ота

ўзи бош-қош. Бундан ташқари, Аббос ота китоб ўқишни хуш кўради, юртимиз ва хорижда бўлаётган янгиликлардан доимо воқиф бўлиб туради. Ўз навбатида, бир асрлик тарихимизнинг жонли тинчлиги, ҳаётининг, ўғитлари пурмаёно ҳикмат бўлган ёши улуг инсоннинг бугунги фаровон ҳаётимизга эришиш йўлида кўрсатган жасорати ва меҳнатини қадрлаш, фахрийларимизни эъзозлаш, бой ҳаётини тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан отахон хонадонига турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Дарвоқе, бурноғи йили Аббос Аппонов хонадонига Президентимиз ҳам ташриф буюриб, замонавий машина совға қилган эди. Дарвозахона тўрида турган бу машина ота учун жуда ардоқли. Яқинларининг яхши кунларида, байрам ва шодёнларда ушбу машина рулини набирасига топшириб, тўй-томошага боришни хуш кўради. “Нуруний” жамғармасининг Олмазор тумани бўлими раиси Мирзиёев Мирзиёловнинг айтишича, Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида хизмат қилган нурунийнинг бугунги эркин ва фаровон ҳаётимизни барпо этиш йўлидаги матонати, жасорати, меҳнатини муносиб қадрлаш, фахрийларни эъзозлаш, саломатлигини муҳофазалаш йўлида тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида тизимли ишлар олиб борилапти. Қолаверса, пенсия ёшидаги 34 мингдан кўпроқ фахрийни ҳам қўлаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, жорий йилнинг март-апрель ойда уларнинг юз нафардан кўпроғи санаторий ва соғломлаштириш масканларида саломатлигини тиклади. Жойларда оилавий поликлиника шифокорлари томонидан мунтазам равишда тиббий кўриқлар ўтказилапти. Маҳаллаларда ободонлаштириш ва коммунал тизимни модернизациялаш ишлари ҳам бажарилди. Таъмирталаб кўчалар асфальт қилинди, электр ва канализация тизими яхшиланди. Албатта, бу имкониятлар аҳоли, жумладан, кексаларнинг турмуш шароитини яхшилаш, умрига умр қўшишга хизмат қилапти. Суҳбат сўнгиде Аббос ота Аппоновдан ушбу тинч, файзли ва бахтли ҳаётимиз бардавом бўлиши учун биздан нима талаб этилади, дея сўрадим. Ота нурули кўзларини бир нуктага тикиб, ўйга чўмди: “Доимо сергак бўлиш, дунёда кечаётган воқеаларни тўғри англай билиш керак. Қувонгарлиси шуки, бугунги ёшларимиз бу масалада анча илгор. Юртимиз ривожининг шундай нурафшон кунларини кўриш саодати насиб этди. Бунинг учун Яратганга беҳисоб шукр қиламан”.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Риштон тумани “Оқ ер” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мирзааҳмад ота Сулаймонов бу йил 98 баҳорни қарши олди. Табаррук инсонни йўқлаб, хонадонга кириб борар эканмиз, нигоҳимиз пешайвонда ўтирган мўйсафидга тушди. Бир дам тўхтаб қолдик. Аср билан юзлашган отахон нигоҳидаги изтироб уруш йиллари ва ундан кейинги ҳаёт машаққатларини ёдга солади.



ИЗЗАТУ ИКРОМДАН ЯШАШГА МУҲАББАТИМИЗ БАЛАНД

Суҳбат асносида бобонинг кўз олдида темир тишли танклар, ёпирилиб келаётган душман ўқиға қарши курашда жон олиб, жон бераётган курашдош дўстлари гавдаланди. Ҳаммаси ўқтам, кўнгли орзу-умидга тўла эди. Машъум уруш барчасини саробга айлантирди. Ота-хон шулари эслаб, ёшланган кўзларини арди. Бугунги дориламон кунлар, тинчлик-тотувликка шукрона айтиб, кўнгли ёришди. Ҳотира ва қадрлаш кун олдидан отахонни йўқлаш, ҳамсуҳбат бўлиш истагидиларнинг қадами узилгани йўқ. Мўйсафид уруш йилларининг суронли кунлари ҳақида сўзлаб беради, меҳмонларни алқаб, дуо қилади. — Ҳарбий комиссариатга қақирилганимда 18 ёшда эдим, — дея хотирлайди бобо. — Дастлаб Олмаота шаҳрида захирадаги 118-полкда хизмат ўтадик. Бу ерда жангда ҳаракатланиш, ҳимояланиш, ҳужумга ўтиш, оқоп ва траншея қазиб, қуроллардан фойдаланиш амалиёти билан танишдик. 1945 йил кўкламиде иккинчи Украина fronti таркибидеги 206-полкда илк бор душман билан юзма-юз бўлдик. Уша кунлар ҳамон ёдимда. Жанг қилгани кўлимизда қурол йўқ эди. Фақат эртаси кунни ўқ-дори олиб келинди. Оғир жанг бошланди. Кўз ўнгимда уч хизматдошим оғир яраланиб, дала госпиталига жўнатилди. Душман снаряди портлашидан сўнг бошимдан жароҳат олдим. Қон тўқтамай оқарди. Жароҳатимни кўлган ҳамшира “Омаднингиз бор экан, ўлишингизга сўз қолибди”, дея малҳам боғлаб, қонни тўқтатди. Кейин хандақлар орқали жангга боришимни тайинлади. “Хўп”, деб яна уруш оловига шўнгидим. Ҳалаб ҳақидаги хабарни Чехославакия ўрмонида эшитдик. Аммо уруш олови Мирзааҳмад бобо учун бу билан якун топмади. Жангчилар эшелонларга ўтириб, рус-япон fronti сари йўлга чиқди. Гарчи бу урушда қатнашмаган бўлса-да, мамлакат сарҳадини ҳимоялашда намуна кўрсатди. 1956 йилда яқинлари бағрига қайтиб, жамоа ҳўжалигида ишлади. Тиришқоқлиги, ҳаракатчанлигини инобатга олиб, Мирзааҳмад бобони ички ишлар органларининг икки йиллик курсида ўқиш учун юборишди. Ўқидан

сўнг у фаолиятини ҳозирги Сўх туманида бошлади. Шу ерда бошланғич синф ўқитувчиси Турғуной ая билан танишиб, она қурди. Беш фарзандини тарбиялаб элга қўшди. Бугун ўнлаб невара, чевара ва эваралар даврасида умргузаронлик қилапти. — Бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш, тинчликни асраб-авайлаш керак, — дейди отахон. — Қаранг, ҳамма шароит, ҳамма нарса бор. Бирор жойга бораман, десангиз, пиёда юрмайсиз. Дастурхонимиз тўқкин-сочин. Бир бурда нонга зор бўлиб, жон берганларни кўргамиз. Бугунгидек кунлар ҳеч қачон бўлмаган. Юрт кексаларини эъзозлаш, иззат-ҳурмат кўрсатиш, қадрлаш, хотирлаш йўлидаги ишлар ҳаётга муҳаббатимизни оширяпти. Урушнинг тирик афсонаси бўлган Мирзааҳмад ота хали бардам. Кексалик сабаб эркин ҳаракатланишга бир оз қийналса-да, хотираси тиниқ, сўзга чечан. Очликлик ва самимият билан бир пиёла чойга тақлиф этишни қанда қилмайди. Иккинчи жаҳон уруши туғанига етмиш тўққиз йил тўлди, лексин ҳали-ҳануз бу офат қолдирган дарду алам, қайғу унутилгани йўқ. Оловли йиллар тирик гувоҳларининг ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикоясини тинглаб, фаровон ҳаёт, тинчлик-тотувлик ҳамма нарсадан устун эканини англаб олиш, қадрлайсиз киши. Айни кунда Фарғона вилоятида 11 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси умргузаронлик қилапти. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида уларнинг ҳар бирига алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатиб, эъзозланмоқда. Чунки бундай улуг ёшли кишилар шукронаси, дуосида ҳаёт ҳақиқати мужассам. 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Фарғона вилоятидан 150 мингдан ортиқ киши Иккинчи жаҳон урушига сафарбар қилинган. Улардан 54 минг 981 нафари ҳалок бўлган, айримлари бедарек йўқолган. 14 минг 912 нафар фарғоналик жангда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун турли орден-медаллар билан тақдирланган. Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИДА



“ҲАР ҚАНДАЙ МУШКУЛ ИШ АҚЛ ЭГАЛАРИ ТУФАЙЛИ ИСЛОҲ ҚИЛИНУР”

“Соҳада 30 дан ортиқ ёш олим тайёрладим. Мактаб яратдим, десам нокамтарлик бўлади. Шогирдларимнинг ҳар бири соҳанинг бир бўлагини ривожлантирмоқда. Мен доимо улар билан биргаман, ёрдам бераман, йўл кўрсатаман.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти ўсимлик ва ҳайвонот оламида олинган табиий бирикмалар, биологик фаол моддалар кимёси бўйича етакчи илмий-тадқиқот муассасасидир. Институт директори, кимё фанлари доктори, академик, фан арбоби Аббосхон Тўраев билан суҳбатимиз илм-фанга эътибор ҳамда институтда бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари хусусида бўлди.



академияси институтларида таҳсил олди. Ўзга мамлакатларда илм-фан янгиликлари, олимлар учун яратилган шарт-шароитни ўрганиб, юртимизда қўллаш имкони пайдо бўлди. Шунингдек, уларнинг ходимлари келиб, биздаги изланишлар билан танишди, институтларимизда ўқиди, ўрганди.

Муассасамизга Хитой Фанлар академиясидан бир қатор тадқиқотчилар келди. Уларнинг икки нафари фалсафа бўйича фан доктори бўлди. Хитойлик бир олим бизнинг кенгашда фан доктори илмий даражасини ҳимоя қилди. Ҳозир Шинжон фан ва технологиялар қўмитаси раиси сифатида фаолият юритяпти.

Институтда ўсимлик, ҳайвонот оламида биологик фаол бирикмаларни ажратиш, уларнинг тузилиши, биологик фаоллигини ўрганиш бўйича қатор янги илмий изланишлар бажарилмоқда.

Шанхайда Хитой Фанлар академиясининг Тиббий материаллар институти мавжуд. Мазкур институт билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қиламиз. Кадр алмашамиз, илмий натижаларни бирга муҳокама қиламиз ва ҳамкорликда ишлаймиш.

Ана шу ҳамкорлик доирасида янги илмий йўналиш — саратон хужайрасига етиб бориб, уни йўқ қилувчи дори-дармон яратиш бўйича изланишлар қилиняпти. Бир пайтнинг ўзида жанубий корейлик олимлар билан ҳам нанотехнологияни қўллаган ҳолда шундай илмий изланишлар давом этапти. Ҳозиргача жуда муваффақиятли натижаларга эришилди. Ўйлаيمانки, яқин келажакда самарадорлиги юқори бўлган қатор янги дори-дармонлар яратилиши мумкин.

2015 йилда гриппга қарши “Рутан” дориси яратилган эди. COVID-19 пандемияси пайтида Хитой Фанлар академияси институтлари билан биргаликда бу дорининг коронавирусга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги текширилди. Натижага кўра, “Рутан” препарати корона-

“Институт олимлари яратган “Биосолвент” препарати қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган. У ерга сепилганда эримайдиган тузларни эритиб, дренаждан олиб чиқиб кетади. Маҳсулот патентланган. Янги корхона очиб, маҳсулот ишлаб чиқарилишини йўлга қўйдик.



Республикамиз фармсаноатига тегишли дори ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан вирусга қарши, гепатопротекторлик хусусиятига эга “Рагосин”, герпесга қарши “Мегосин”, вирусларга қарши дори субстанцияси сифатида биз жуда кўп миқдорда Россияга экспорт қиладиган “Госсипол” препарати, қон тўхтатувчи дорилар — “Инебрин”, “Лагоден”, иммун тизимини модуллаштирадиган “Тимотин”, силга қарши “Биомайрин” дориси ана шулар жумласидандир.

Одатда силга қарши дорилар организмга кирганда жигарга ножўя таъсир кўрсатади. “Биомайрин”нинг ножўя таъсири кам.

Бундан ташқари, “Биоокор” дорисини (саратон профилактикасида ишлатилади) ҳам амалиётда қўллашга рухсат олинган.

— Соҳада қандай муаммолар бор?

— Бирдан бир муаммо яратилган маҳсулотни амалиётда қўллаш масъулияти. Хорижий мамлакатларда бутунлай бошқача. Мисол учун, сиз дори яратдингиз, уни ҳар томонлама ўргандингиз. Фақатгина ишлаб чиқариш қолди. Шу ўринда бир компания келди-да, лойиҳани сиздан сотиб олади ва ишлаб чиқаради. Олинган даромаднинг муайян қисми компанияга, бир қисми институтга берилди. Бу сизнинг корхонангизнинг бундан кейинги тараққиётига хизмат қилади.

Келажакда шундай компаниялар сизнинг қўлингиздаги маҳсулотни олиб, “Бўлди, бу ёнғача сиз овоза бўлманг, уни амалиётда биз киритамиз, сиз илм билан шугулланаверинг” дейдиган пайт келади. Илмий натижани амалиётга киритиш илм аҳлининг ўзига юкланиши бир оз самарасиз натижа беради. Яратилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш илм аҳлига қийинлик қилади.

Яна бир муҳим янгилик. Келгусида сув танқислигига дуч келиниши аён ҳақиқат бўлиб бормоқда. Институт олимлари яратган “Биосолвент” препарати қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган. У ерга сепилганда эримайдиган тузларни эритиб, дренаждан олиб чиқиб кетади. Маҳсулот патентланган. Янги корхона очиб, маҳсулот ишлаб чиқарилишини йўлга қўйдик. Лекин сотишни элиши олмаямиз. Бир гектарга 700 минг сўмлик маҳсулот кетади. Фермер ерни ювадиган пайтда уни сотиб олишга имконияти бўлмайди. Ҳатто кластерлар билан ҳам гаплашдик. Натижа бўлмади. Бу препаратнинг самарадорлиги жуда катта. Шўр, ҳеч қандай ҳосил бермайдиган ерда ушбу препарат ишлатилганда пахтадан 30 центнер ҳосил олинган. Тузли, экин уммайдиган жойда ундан фойдаланилганидан сўнг мош экилган ва ҳосил олинган. Бундай катта тажрибалар кўп ўтказилди ва ишланмаларнинг самарадорлиги исботланди. Лекин барибир сотишга келганда биз қийналамиз.

Институт олимлари томонидан қатор йиллар давомида гўза зараркундаларига қарши курашда феромон тутқичлар орқали мониторинг қилиш усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун мода зараркундаларининг урчиш давридаги ўзидан чиқарадиган ҳиди феромонлари таркиби, кимёвий тузилиши тўла ўрганилди ва уни кимёвий синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилди. 2000-йилларда бир йилда институтда бир миллион дона феромон тутқич ишлаб чиқилган ва пахтачилик хўжаликлари тўла таъминланган. Лекин бугунги кунда уни сотиш қийин бўлиб қолди.

Кимё фани ривожига фақат ўғит билан боғлиқ эмас. Кимё-биология фанининг озик-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, геология ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз ўрни бор. Ҳозирги илм аҳли олдида турган вазифа ҳам шу — амалиётда ўз ўрнини топиш. Ана шундагина муайян ютуқларга эришамиз ва изланишларимиз орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшамиз.

— Утган йил сўнгида Фанлар академиясининг 80 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Шу сана муносабати билан қатор олимлар давлатимиз эътиро-

фига сазовор бўлди. Жумладан, сиз ҳам Ўзбекистон фан арбоби унвонига муносиб қўрилдингиз. Бу эътироф сиз учун қандай моҳият касб этди?

— Давлатимиз шундай эътирофга лойиқ топганига раҳмат. Инсон ўз меҳнатини баҳолмайди. Катта унвонга ярашадиган ишларни қилиб қўйдим, деб айтолмайман. Лекин эътибордан миннатдорман. Илм-фан ривожига қўлимдан келганча ҳисса қўшишга, юксалтиришга ҳаракат қилдим. Бундан кейин ҳам баҳоли қудрат шу жараён ичидаман.

Соҳада 30 дан ортиқ ёш олим тайёрладим. Мактаб яратдим, десам нокамтарлик бўлади. Шогирдларимнинг ҳар бири соҳанинг бир бўлагини ривожлантирмоқда. Мен доимо улар билан биргаман, ёрдам бераман, йўл кўрсатаман.

Муаллифлигимда табиёт амалиёти учун 10 дан ортиқ маҳсулот яратилди, ишлаб чиқариляпти. Улардан бири — ультра-товушли тахшиш пайтида қўлланиладиган гел. Қон тўхтатувчи гемоглобин, “Тимогель” дориси ва қатор хирургик жихозлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

“Тимогель” қанд қанлигида пайдо бўладиган яраларни тўзатишда қўлланилади.

Эндоскопик хирургияда ишлатиш учун эмболловчи маҳсулот яратилди, табиётда ишлатишга рухсат олинди ва уни кенг миқёсда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда полисахаридларни табиёт амалиётида қўллаш бўйича муҳим фундаментал изланишлар қилинмоқда. Аён бўлдики, тармоқланган полисахаридлар организмга кирганда организм уларни ёт модда сифатида қабул қилади ва ушбу маҳсулотни йўқ қилиш учун иммун тизимидаги бор кучини ишлатади. Натижада Т-хелпер хужайралари кўпайиб ишлаб чиқарилади ва бу хужайралар бор вақтининг ўзида саратон хужайралари ўсиши тўхташини таъминлайди. Мана шу хулосага асосланиб, ҳозир саратон касаллиги профилактикаси учун “Бета глюкокан” номи билан биологик фаол қўшимча яратилди ва амалиётда қўллаш учун рухсат олинди. Саратонга қарши янги макромолекулар табиати, касал органга етиб бориш хусусиятига эга дори яратиш устида фундаментал изланишлар қилинмоқда. Ушбу йўналишда қатор янги дорилар яратилди ва уларнинг клиниколди синов текширувлари тугалланмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган эътибор, албатта, ўз натижасини бермай қолмайди. Зеро, улуг аллома аз-Замашарий айтганидек, “Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур”. Олдимизга қўйилган вазифалар кўп. Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврга ҳамохан изланиш, инсонлар ҳаётини янги ўзганга буриб юборувчи кашфиётлар қилиш, салоҳиятини халқаро майдонда намойиш эта олиш масъулияти бизни янги марралар сари ундашига умид қилиб қоламиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.

— Юртимизда анча йиллар илмга эътибор сусайиб, бутун боши академиклар мактаби деярли йўқолиб кета бошлаганди. — дейди Аббосхон Тўраев. — ЎзФА тизимидаги юқори салоҳиятли, дунёда ўз мавқеига эга илмий институтлар бошқа ташилотлар тасарруфига ўтиб кетиб, баъзилари фаолиятини буткул тўхтатганди. Табиийки, бу ҳолатлар илм-фан ривожига кескин узилишларга сабаб бўлди. Айниқса, изланишлар натижалари, уларни амалиётда қўллаш, тармоқ, соҳаларга татбиқ этиш бўйича мураккабликлар юзага келди.

2017 йилга келиб аён бўлдики, Фанлар академияси институтлари моддий рағбатлантирилмаса, уларга керакли асбоб-ускуналар, реактивлар олиб берилмаса, илмий изланишлар даражасини кўтариб бўлмайди. Агар илмий изланишларини жаҳон стандартларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуналар ёрдамида қилсангиз, натижага халқаро миқёсда ишонч билдирилмайди. Илмий журналлар мавзуга доир ишларни чоп этишга иккиланганда.

Кейинги йилларда илмга қаратилган эътибор институтлар фаолияти жонланishiга туртки бўлди. Илмий лабораториялар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу эътибордан бизнинг институт ҳам четда қолмади. Азалдан рентеноскопия бўйича илмий изланишлар олиб берилган муассасамизга ҳар бирининг нархи 500 минг АҚШ долларидан юқори иккита рентген қурилмаси олинди. Бугунги кун талабига жавоб берадиган шарт-шароитда бажарилаётган илмий изланишлар савияси жаҳон стандартларига тенглаштирилди.

Яқин-яқингача Фанлар академиясининг асосий таркиби нафақадаги олимлардан иборат, илм аҳлига ажратилаётган маблағ талабга жавоб бермас эди. Олимларнинг маоши эндиликда 3 баробар оширилди. Фан номзоди учун 30 фоиз, фан докторлари учун 60 фоизгача устима белгиланди. Бу ишларнинг илмга интилишини кучайтирди. Айни пайтда институт илмий жамоасининг 58 фоизини 40 ёшдан ошмаган ёш ходимлар ташкил этмоқда. Уларнинг илмий савияси юқори, дунёда бўлаётган ишларни тўла-тўқис таҳлил қилиб, янгилик ярата

олади. Бугун ёшларнинг илмий натижалари дунё тан оладиган журналларда чоп этилмоқда.

Бизни мамнун қиладиган яна бир ҳолат ёшларимизнинг хорижий тилларни пухта билишидир. Чет давлатларга сафарлар, стажировкаларга бориб, ўша ердан янгиликларни ўрганиш, янги йўналиш яратиш, юртимизда иш бошлаш имконияти пайдо бўлди.

Беш-олти йил олдин талабдорларни “Бизнинг институтга келинг, илмий иш қилинг”, деб таклиф қилган бўлсак, ҳозир улар танлов асосида ишга олинмоқда. Докторантурада ўқиш истагида битта жойга ўнлаб талабдор хужжат топширяпти, курашяпти. Бу эса соҳа келажиги учун энг яхши кадрларни саралаш имкониятини яратмоқда. Ёш олимларимиз шижоат билан янги илмий йўналишлар очяпти. Масалан, кимё фанлари доктори, ёш олим Бахтиёр Муҳитдинов саратон касаллигига қарши янги оригинал дори яратиш устида самарали илмий изланиш қиляётди. Айни пайтда мазкур касалликни даволашда кенг қўлланиладиган доксорубицин дориси асосида салбий таъсири 100 мартаба камайтирилган ва саратон хужайрасига етиб борувчи янги, самарали дори яратиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда ушбу дорининг клиниколди синовлари тугалланиб, клиник синовларга рухсат олиш учун керакли илмий хужжатлар тайёрланмоқда.

Яна бир мисол, институтимизнинг ёш олим Улугбек Тоғаев республикамизда мавжуд термитлар асосида из феромонини яратиш устида кенг қамровли изланишлар қилмоқда. Бу изланишларга Ҳиндистон, Италия ва бошқа хорижий мамлакатлар олимлари катта қизиқиш билдирган.

— Шу ўринда ҳамкорлик алоқалари хусусида тўхталсангиз...

— Агар давлатлар ўртасида халқаро ҳамкорлик ривожланмаса, институтларнинг ўзаро алоқаси самара бермайди. Кейинги йилларда йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик ўз маҳсулини берди. Соҳада бир қанча халқаро илмий изланишлар қилинди.

Тадқиқот ишларини олиб бораётган йигит-қизларни хорижга юбордик. Ёш олимларимиз Беларусь, Россия, Хитой Фанлар



вируснинг икки муҳим фермент тизимига таъсир кўрсата олиши, унинг кўпайишини тўхтатиши мумкинлиги аниқланди. Шундан сўнг препарат коронавирусга қарши клиник синовдан ўтказилди. Ҳам грипп, ҳам коронавирусни даволашга тавсия этилган. У бир пайтнинг ўзида инсоннинг иммун тизимига таъсир этиб, вирусларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Шу билан бирга, вирусни жилавлаш хусусиятига эга.

Герпес, хламидия инфекцияси, гепатит, ОИТСга қарши, қон тўхтатувчи, яраларни тез битириш хусусиятига эга кўплаб дори-дармонлар айни пайтда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. Улар табиётда қўлланилиб, кенг миқёсда ишлаб чиқаришмоқда. Буни халқаро ҳамкорликнинг илмий натижаси, дейиш мумкин.

Илмда бир-икки йилда самарага эришиш қийин. Бунинг учун йиллар керак. Кейинги йилларда институтимизда янги дори-дармон яратиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Мана шу ишлар натижаси ўларок, 20 га яқин янги дори яратилди. Буларнинг 10 дан ортиғи амалиётда қўлланиляпти.



Хотира — уйғонса гўзал



ЭЪЗОЗ ДИЛЛАРНИ НУРАФШОН ЭТАДИ

Ҳабиб СИДДИҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳиби

Инсон эътибор ва қадр топаётган, ўтганлар ёд этилиб, нуронийлар эъзозланган юртдан файзу барака, фаровонлик, ҳамжихатлик аримаслиги аслар синовидан ўтган ҳақиқат.



байрамона вазиятда топширилиши кўзда тутилгани ҳам уларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибор намунасида.
Авалло, фахрийлар халқимиз тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз равнақи ва фарзандлар камолоти йўлидаги жасорати ва фидокорона меҳнати боис, ана шундай хурмату эъзозга муносибдир. Уларнинг катта ҳаётий тажрибаларга асосланган панду насихатлари, ўғитлари умр йўлларимизда асқатадиган хазина. Шу боис, ҳар биримиз кексаларга доимо меҳру оқибат кўрсатишга бурчлимиз. Бизнинг бу борадаги ишларимиз ортимиздан келаётган авлод учун сабоқ бўлишини ҳам унутмаслигимиз лозим. Фаридулдин Атторнинг “Кексаларни этсанг азизу хурмат, Сени ҳам кексайтган, этишар изат” деган сатрлари эртанги кундан умидвор ҳар қандай кимсанинг қалбини ёши улуғларга хурмат-эҳтиром, иззат-икром кўрсатишга мойил қилиб кўяди. Кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик ёши улуг юрдошларимизнинг руҳини кўтарди, улардаги шукроналик туйғусини орттиради ва ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади.
Шу боис, юртга тинчлик, элга фаровонлик, дастурхонларга тўкинлик тилаб дуода бўлаётган фахрийларни ҳар қанча қадрласак, эъзозласак арзийди. Эъзоз дилларни нурафшон этади. Элда эъзоз топаётган фахрийларнинг эътибор ва гамхўрликдан кўнглилари тоғдек кўтарилиши, умрларига умр қўшилиши ҳам бор гап. Мамлакатимизда ўртача умр кўриш даражаси ўстани, аввало, истиқлол даврида, айниқса, кейинги олтинчи йилда халқимиз турмуш сифати тобора ортиб бораётгани, юрдошларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта ишонч билан яшаётгани юртдаги озолик ва ободлик натижасидир.

Элимизда ёши улуг инсонлар ҳамisha хурмат ва эътиборда бўлиб келган. Чунки хонадонларимиз файзу таровати, кўнглиларимиз тўқлиги, руҳимиз баянлиги улар билан. Қалбимизнинг кўри, давраларимизнинг тўри кексаларга аталган. Хайрли ишларни бошлашда уларнинг дуосини оламиз.
Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида меҳнат қилган ота-боболаримиз, она-момоларимиз фашизм устидан қозонилган ғалаба ва тинч-фаровон ҳаётимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ёши улуг инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ва маънавий хизматлар кўрсатиш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.
Президентимиз фармонига мувофиқ, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлангани, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 20 миллион сўм миқдорда бир маргалик пул мукофоти белгилангани, у тантанали ҳамда



Бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлаш замирида Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида хурмат бажо келтириш, юртимизда меҳру-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг миллий аъналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида камол топтиришдек эзгу мақсадлар мужассам.
Ёшларимизни миллий қадриятларимиз ва шукроналик руҳида тарбиялаш жараёнида ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тотган кексалар билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар муҳим омил бўлади. Зеро, ўзбекининг ўзлигини намоён этувчи кўп асрлик қадрият, урф-одат ва удулларимизнинг авлоддан авлодга ўтиб боришида кексаларнинг хизматлари беқис.
Элимизнинг “Юртинг тинч — сен тинч” деган ҳикмати бор. Дарҳақиқат, дунё харитасига назар ташласангиз, кўраи заминнинг қайсида сув тошқини, шамол ва бўронлар, ўрмонлар ёнаётгани, қаттиқ zilzilалар, қаердадир уруш, террорчилик ва ҳоказо бало-офатлар рўй бераётганига гувоҳ бўласиз. Буларнинг оқибатида қанчадан қанча одамлар — ёшу қари бирдек талафот кўрмоқда. Атрофимизда рўй бераётган бундай ҳодиса ва воқеалар бизни юртимизга, тинчлигимизга, халқимиз фаровонлигига теран кўз билан қарашга, тафаккур юритишга ундайди.
Хар йили Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш асносида ўтганларни ёд этиш, фахрийларни эъзозлаш бўйича эзгу амалларимиз, қадриятларимиз сайқалланади, оҳорланади. Инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан устунлиги ширимизга айланган янги Ўзбекистонда бу борадаги ишларимиз халқимизнинг кўтаринки кайфияти, фаол ҳаёт тарзига мос равишда ҳар қачонгидан юксак савияда ва самарали ўтишидан дарак бермоқда.
“Ёмғир билан ер, дуо билан эл кўқарар” деб бежиз айтилмаган. Кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликдан мамнун пирю бадавлат кексаларнинг истиқлолимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлишини тилаб дуода экани гувоҳи бўлмоқдамиз.
Зеро, эзгу ниятлар билан қилинган дуолар ижобат бўлгусидир.



ОСОЙИШТА КУНЛАР ШУКУҲИ

Пардагул РАЗЗОҚОВА,
Маънавият ва маърифат маркази
Беруний тумани бўлинмаси раҳбари

Инсониятга тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган оила ҳам, давлат ҳам асло хотиржам бўлолмайди. Миллий маънавий меросимиз ҳам азалдан тинчликсеварлик гоёси асосига қурилган. Бунда тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса қораланади.

Мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келинаётгани замирида ҳам айнан ана шу эзгу гоё мужассам. Ушбу санада фашизмга қарши курашда қатнашган, Ватанимизни ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган миллий қаҳрамонларимиз эсланади. Бугун орамизда яшаб, оилаларда фарзанду набираларига бош-қош бўлиб юрган отахону онахонларимизга эҳтиром кўрсатилади.
Беруний туманида бу эзгу ишларга ёшлар ҳам жалб қилинади. Улар жанг майдонидан ва фронт ортида хизмат қилган бобо-момоларимиз ҳолидан хабар олиб, хотираларини, панд-насихатларини қалбига гоё қилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан суҳбатлар уюштирилиб, миллий қадриятларимиз

ёшлар онгига сингдирилмоқда. Уруш қийинчиликларидан хулоса чиқариш ва ҳозирги тинч-осойишта кунларимиз учун шукр қилиш кераклиги аниқланилмоқда.
1941-1945 йилларда башариёт бошига мислсиз кулфат ёғдирган Иккинчи жаҳон урушида берунийликлар ҳам мардона жанг қилиб, қаҳрамонлик намунаси кўрсатди. Ту-мандаги “Саркоп” овул фуқаролар йиғинида яшаган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ўрозбой Жуманиязовни хотирлаш мақсадида у яшаган хонадонга бордик. Уруш қаҳрамонининг жияни Жабборберган ака отаси ва амакиси ҳақида ёшларга сўзлаб берди:
— 1941 йили аввал отам Божон Жуманиязов, 1942 йил сентябрда амаким ўрозбой Жуманиязов кўнгиллилар сафи-



да фронтга жўнаган. Амаким 1943 йили Украинанинг Рови қишлоғи учун кечган аёвсиз жангга қаҳрамонлик кўрсатиб, ўнлаб фашистни ер тишлатган. Ушунда олган жароҳати туфайли оламдан ўтган. Унинг хотираси абадийлаштирилиб, туманимиздаги 48-мактабга номи берилган, бюсти ўрнатилган. Шунингдек, қўшни маҳалла ҳамда кўчалардан бири ҳам унинг номи билан аталади. Хар йили Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтадиган тадбирда ўрозбой Жуманиязов номи тилга олинганда фахрланамиз.
Беруний туманидаги “Ўрозбой Жуманиязов” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши йиллари фронт ортида меҳнат қилган Айсанам момо Машарипова хонадонидан ҳам бўлиб, ҳолидан хабар олдик. Онахон уруш йилларини хотирлаб, ўша давр машаққатини қийинчиликлари ҳақида гапириб берди. Бугунги тинч-омон кунларнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш учун ёшлар ватанпарвар бўлиб вояга етиши борасида насихат қилди.
Онахон давлатимизнинг кекса авлод вакилларига эътибори, ҳоқимлар, маҳалла раислари, ёшлар мунтазам келиб, ҳолидан хабар олаётганидан мамнун. Байрам арафасида маҳалла аҳли уй-жойини тартибга келтириш, томорқасини ободлаштиришга ёрдам берганини айтиб, узоқ дуо қилди.
Фашизмга қарши мардонавор курашган, оғир машаққат ва мусибатларни бошдан кечирган қаҳрамонлар, халқимизнинг эркин яшаши учун ўз жонини қўрбон қилганлар хотираси ҳамisha ёдимизда сақланади.

ТИНЧЛИКНИ АСРАШ БОШ БУРЧИМИЗ

Жаҳонни қалқитган, инсоният бошига энг оғриқли мусибатлар солган Иккинчи жаҳон уруши асоратлари ҳали-ҳануз одамзод ёдидан кўтарилгани йўқ. Урушнинг нафаси эркак-аёл, ёш-қари — барчага бирдек таъсирини ўтказди. Жангқорларда қон кечиб юрган бўлмаса ҳам фронт ортида тортган азобини, йўқотган инсонларини ҳали-ҳануз унутмай яшаётган пискентлик Мухаййе ая Оқилова биз билан хотираларини ўртоқлашди.



— Яхши эсламан: 5-синфда ўқиб юрган вақтларим эди. Бир куни мактабдан қайтсам, эски супанинг устида отам билан акам суҳбатлашиб ўтирганини кўрдим. Бу ҳолат мени ажаблантирди. Сабаби, улар бундай вақтда уйда бўлмас, икковини ҳам эрта азонда ёки кеч оқшомдагина кўриш мумкин эди. Шунда ҳам уст-боши абгор ҳолатда келиб, чой ичар-ичмас ухлаб қолишарди. Бугун эса...
Отам акамга панд-насихат қилар, акам эса хавотир олмаслигини сўрарди. Ичкари кирсам, ўтай онам бир бурнакда рўмонини тишлаб йиғлаб ўтирибди. Сабабини тушунгандек бўлдим. Мактабда ҳам баъзи синфдошларимнинг акаси ёки бошқа қариндошини урушга олиб кетишган эди. Ўқитувчимиз ҳам ўша куни дарс ўтмади. Фақат яқини фронтга олиб кетилаётган болаларни бағрига маҳкам босиб, уйга қўйиб юборарди. Устозни ҳам дарс тугамагандан директор хонасига чақирди. У кетди. Кейин билдик: муаллимимизнинг турмуш ўртоғи ҳам урушга чақирилган экан. Синфдошларим бир-бири билан пичирлашиб, урушининг нафаси аллақачон бу тупроқларга етиб келганини айттарди. Демак, акамга ҳам чақирув қоғози келган.
Акам урушга кетди. Ортидан кенжа акам ҳам елкасига тугунини ортоқлаб ўзройбой Жуманиязов номи тилга олинганда батальонига юборишди.
Кундузи мактабга бориб, сўнг гўзая-поя чопишга чиқардик. Баъзан мактабни ҳам йиғиштириб, фақат далада ишлардик. Отам ва акаларим кетганидан сўнг тўрт опа-сингил ва ўтай онам қолдик. Биргина сингиримиз зор. Маккажўхори экди, донини ун қилиб, зогора нон ёпиб ердик. Соғилган сутни мактабга олиб бориб, арзимаган пулга сотардим. Сутнинг пулига бозорлик қилиб, уйга қайтардим. Сўнг ишлагани далага кетардим. Ишга кечиксак, қамчи билан савалашарди. 1944 йил охирида катта акам ярадор бўлиб қайтди. Ундан сўнг кичик акам ва отам келди.
Урушдан кейин Охунбобоев номидаги техникумга ўқига ҳужжат топширдим. Бир ярим кунда этак-аравада отам билан техникумга етиб бордик. Ўқийшни бошладим. У ерда 400 грамм нон бе-

риларди. Ҳатто нонни йўқотиб қўйган вақтларим ҳам бўлган. Шундан сўнг дў-конда фаррошлик қилдим. Эвазига бир бурда нон берарди. Уйимиздан маккажў-хори толқони келарди. Шу толқонни еб, техникумни битирганман.
Урушдан сўнг бир томондан очлик ҳуқиронлик қилса, бошқа томондан турли юкмули касаликлар авжига чиқди. Фельдшер бўлиб ишладим. 1950 йили Тошкент тиббиёт институтига ўқига кирдим. Ҳам ўқиб, ҳам ҳамширалик қилардим. 1956 йили ўқийшни битириб, Пискентга бордим. Ўша вақтлари на кечаси ва на кундузи тиним бор эди. Сабаби ходимлар етишмасди.
Бугун ўша вақтдаги мусибатларни эслаб, кўзимга ёш қалқийди. Урушда голбилар бўлмайди, деган гап бор. Уруш йиллари қўшни хонадонларда кўтарилган фронтга олиб кетилаётган болаларни бағрига маҳкам босиб, уйга қўйиб юборарди. Устозни ҳам дарс тугамагандан директор хонасига чақирди. У кетди. Кейин билдик: муаллимимизнинг турмуш ўртоғи ҳам урушга чақирилган экан. Синфдошларим бир-бири билан пичирлашиб, урушининг нафаси аллақачон бу тупроқларга етиб келганини айттарди. Демак, акамга ҳам чақирув қоғози келган.
Отам акамга панд-насихат қилар, акам эса хавотир олмаслигини сўрарди. Ичкари кирсам, ўтай онам бир бурнакда рўмонини тишлаб йиғлаб ўтирибди. Сабабини тушунгандек бўлдим. Мактабда ҳам баъзи синфдошларимнинг акаси ёки бошқа қариндошини урушга олиб кетишган эди. Ўқитувчимиз ҳам ўша куни дарс ўтмади. Фақат яқини фронтга олиб кетилаётган болаларни бағрига маҳкам босиб, уйга қўйиб юборарди. Устозни ҳам дарс тугамагандан директор хонасига чақирди. У кетди. Кейин билдик: муаллимимизнинг турмуш ўртоғи ҳам урушга чақирилган экан. Синфдошларим бир-бири билан пичирлашиб, урушининг нафаси аллақачон бу тупроқларга етиб келганини айттарди. Демак, акамга ҳам чақирув қоғози келган.
Акам урушга кетди. Ортидан кенжа акам ҳам елкасига тугунини ортоқлаб ўзройбой Жуманиязов номи тилга олинганда батальонига юборишди.
Кундузи мактабга бориб, сўнг гўзая-поя чопишга чиқардик. Баъзан мактабни ҳам йиғиштириб, фақат далада ишлардик. Отам ва акаларим кетганидан сўнг тўрт опа-сингил ва ўтай онам қолдик. Биргина сингиримиз зор. Маккажўхори экди, донини ун қилиб, зогора нон ёпиб ердик. Соғилган сутни мактабга олиб бориб, арзимаган пулга сотардим. Сутнинг пулига бозорлик қилиб, уйга қайтардим. Сўнг ишлагани далага кетардим. Ишга кечиксак, қамчи билан савалашарди. 1944 йил охирида катта акам ярадор бўлиб қайтди. Ундан сўнг кичик акам ва отам келди.
Урушдан кейин Охунбобоев номидаги техникумга ўқига ҳужжат топширдим. Бир ярим кунда этак-аравада отам билан техникумга етиб бордик. Ўқийшни бошладим. У ерда 400 грамм нон бе-

Мухаййе ая билан гурунг давомида ҳаёлимда Маҳатма Гандининг “Нотинчликда тинчликка эришиб бўлмайди. Тинчликни асраш қушқўнимас тиканаклар орасидан мева териш билан баробар. Мен бу масалага қанчалик чуқур ёндашсам, ич-ичимда қатъий бир хулоса тугилади — тинчликни асраш бош инсоний бурчдир!” деган гаплари чарх уради.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Сардор ТОЛИБОВЕВ эзиб олди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Бюроғи** — 1551.
44034 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усулида** босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.
“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎзА якуни — 02:40 Тошхирлиди — 03:25